

БУХОРОДА ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

Шу йилнинг 2-4 октябр кунлари Бухорой Шарифда «Бухоро ва жаҳон маданияти» мавзусидаги учинчи халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Дунёнинг 14 мамлакатидан машҳур тарихчи, археолог, санъатшунос, улусшунос олимлар ташириф юрадилар.

ИККИНЧИ УМР БАҒИШЛАНДИ

Бундан ярим аср муқаддам яратилган «Тоҳир ва Зухра» филми Ўзбекистон Давлат Кино Компанияси томонидан қайта таъмирланди. Бунда филмда рол уйнаган актёрларга бошқатдан овоз берилди.

ЯНА БИР МУКОФОТ

Самарқанд вилоятида изланувчан, ўз касбининг жонкуяри бўлган халқ таълими ходимларини рағбатлантириш учун махсус мукофот таъсис этилди. Академик Воҳид Абдуллаев номидаги ушбу мукофотнинг таъсисчиси вилоят ҳокимлигидир.

КУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Наманган шаҳри аҳолиси қурувчилардан ажойиб совға олди. Шаҳарнинг гавжум, хушманзара жойида «Миллий маросимлар уйи» фойдаланишга топширилди. Энди бу ер наманганликларнинг севили масканига айланиб қолиши шубҳасиз.

МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК ЯРМАРКАСИ

Кунни кеча Тошкентда «Устоз ва шогирд: барҳаёт анъаналар» шиори остида ўтқизилган миллий хунармандчилик ярмаркаси ниҳоясига етди. Унда халқ амалий санъати ва хунармандчилигининг барча мактаб ҳамда услублари намойиш этилди.

ЎЗА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди



Шаҳримиздаги Мирзо Улугбек тумани турмуши фаровон, маданияти ривож топган, оммавий-маданий тадбирларга бой туманлардан биридир.

9-10 сентябр кунни тумандаги Улугбек шаҳарчасида яна бир кат-

дан кўплаб болалар иштирок этиб, ҳар хил пишиқлар тайёрлашиб дастурхонни безади.

Байрам шаҳарчининг 3 худудида бўлиб, хурсандчилик кайфияти одамларни кун бўйи тарқ этмади. Қизиқарли томони шундаки, теа-

«ВАТАНИМ ШАҲАРЧАМДАН БОШЛАНАДИ»

та танта-нали тадбир — мустақиллигимизнинг 4 йиллигига бағишлаб — Болалар байрами ўтқизилди.

Байрам ўзгача тусда жуда ажойиб ўтди. Чунки тумандаги 52 маҳалла-трлашган сахна асарлари, спорт, лотерея уйинлари барчага манзур бўлди. Байрам болаларни янада жипслаштирди.

Болалар байрамининг янада


хуш кайфиятда ўтишига Улугбек савдо жамоа хўжалиги, РСУ қурилиш бошқармаси, туман Маданият уйи қошидаги «Сарбон» ансамбли муносиб ҳисса қўшди.

Мирзо Улугбек тумани хотин-қизлар кенгаши ва кўплаб жойлардан меҳмонлар келишиб, болаларни табриклашди. Шоира Фариди Усмонова ўз шеърларидан ўқиди.

Байрамда иштирок этган республика Болалар жамғармаси шаҳар бўлимининг раиси Шохидида Мавлонова кам таъминланган оилаларга ва болаларга совғалар улашди, дастурхонга ширинликлар тақдим этди. Шундай тантанани уюштиргани учун туман фаолларига миннатдорчилик билдирди.

Шу йил 30 сентябр кунни пойтахтимиздаги «Алпониш» спорт саройида бокс бўйида Осиё чемпионати бўлади.

Ишти-
ларимизга
жаҳонга
машхуф
бокслимиз
Руфат
Рисқин-
евнинг
йўлини
берсин.



ТУРКИСТОН БИР — ВАТАН БИР

БИШКЕКДА СЕМИНАР

ЮНЕСКО ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташилотларининг ташаббуси билан Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрида «Матбуот соҳасида менежмент» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан «Ватан», «Савдогар», «Мулкдор», «Ўзбекистон ишбилармон ҳамкори» ва «БВВ» газеталарининг вакиллари ҳам иштирок этишди.

ДАРЁЛАР-ВАЛЮТА МАНБАИ

Қирғизистон тоғларидан оқиб тушаётган дарёлар арзон электр энергияси олиш учун энг яхши манба ҳисобланади. Ҳиндистонликлар ана шу энергияга харидор бўлиб туришибди. Яқинда «Қирғизэнергохолдинг» компанияси билан Ҳиндистон ўртасида шу масалада шартнома имзоланди.

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТНИНГ ЁРДАМИ

Япониядаги ЭКСИМ БАНК Қозғистонга 16,2 миллиард иена (тахминан 165 миллион АҚШ доллари) миқдорида қарз берадиган бўлди. Бу маблағдан миллий валюта тенгенинг алмашув курсини барқарорлаштириш ва инфляцияни жиловлаш мақсадида фойдаланиш кузда тутилган.

«АЗИЯ ДАУСИ-95»

Мана бир неча йилдирки, сентябр ойининг охири Қозғистон мусиқий ҳаётида алоҳида ўрин тутиб келмоқда. Зеро, эстрада қўшиқларининг «Азия дауси» танлови айнан шу пайтда ўтказилади. Шу кунларда тоғлар бағридаги «Медео» спорт комплекси 1995 йилги танлов иштирокчилари ва мухлисларни ўз бағрига олган.

ТОЖИКИСТОННИНГ ЎЗ ДОРИСИ

Дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Тожажанта фирма ЛТД» Тожикистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси маҳсулот бера бошлади. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, бу Тожикистондаги дастлабки дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхонадир. Фирма тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилга 15 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда турли дорилар чиқарила бошлайди.

ИККИСИНИ ҲАМ ИШЛАТМОҚДА

Туркменистон, Эрон ва Украина ташқи ишлар вазирларининг Ашхободдаги учрашуви ўчқлама битим имзолаши билан якунланди. Унга қўра, Украина Туркменистондан олган гази эвазига 10 миллион АҚШ доллари баҳосида темир йўл релсларини Эронга етказиб беради. Ўз навбатида Эрон ҳам олаётган газнинг ҳақи учун Ашхобод-Қиётепа (узунлиги 40 километр) автомобил йўлини қуриб беради.

ҲАЛИ ҚИЛИНАЖАК ИШЛАР КЎП

Бутунги кунда қишлоқда яшайтган меҳнаткашларнинг турмуш шaroитлари қандай? Қарияларга, етим-есирларга, уруш ногиронлари ва кам ҳаражатли оилаларга ҳамда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида тегишли ташкилотлар томонидан қандай қулайликлар яратилмоқда?

Биз ушбу саволлар билан Чироқчи тумани ижтимоий таъминот бўлими mudiri Абдураим ака Норқобилловга мурожаат қилдик.

— Абдураим ака, туманда ижтимоий ҳимоя қай йўсинда олиб борилаётган?

— Туманимизда 25560 та нафақахур истиқомат қилади. Уларга 16 та ходимимиз хизмат курсатади. Туман миқёсида ҳар ойда ёрдамга муҳтож бўлган 75 фуқаро 9 хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланади.

— Чекка қишлоқларда яшайдиган оилаларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш борасида...

— Туман ҳокимининг 1995 йил 17-январдаги қарорига асосан уруш қатнашчилари ва ногиронлари, Афғонистон уруши, Чернобиль ҳалокати қатнашчилари ва ногиронлари, корхона, муассаса, ширкат жа...

моа ҳужаликлари оталиқларига бериштилган бўлиб, улар фуқароларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб туришибди.

— Қандай ҳайрия тadbирлари уюштириб турибсизлар?

— Халқимизнинг миллий байрами Наврўз, 9 май Ғалаба байрами ҳамда Республикаимизнинг Мустақиллик куни 1 сентябрни ҳар йили барча қатори кенг нишонлаймиз. Бу йил ҳам Наврўз байрами арафасида 32 та ёрдамга муҳтож оиллага ёрдам пули бердик, 50 килограммдан бугдой тарқатдик.

Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан туманимизда истиқомат қилувчи уруш қатнашчилари ва ногиронларига «Ўзбекистон» жамоа ҳужалиги томонидан 1800 сумлик ёрдам пули берилди. Бундан ташқари 1062 сумлик байрам дастурхони безатилиб, ош тортилди. Йўлдош Охунбобоев номли ширкат ҳужалигида ҳам бир неча кам таъминланган оиллага 50 килограммдан бугдой бепул тарқатилди. С. Жўраев номли, «Оқчава», «Пахтаобод» жамоа ҳужаликларида ҳам шундай тadbирлар ўтказилди. Бундан ташқари барча ногирон ва камҳарж оилаларга урим-йигим мав-

сумида маълум миқдорда текин ем-хашак берилди.

— Туманда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Маълумки, республикаимиз ҳукумати томонидан соғлом авлоднинг тарбиялаб вояга етказишга катта эътибор берилмоқда. Албатта, соғлом авлод соғлом оналардангина тугилади. Биз бу борада хотин-қизларнинг соғлиғига катта эътиборни қаратганмиз. Аёлларимизни вақти-вақти билан куриқдан ўтказиб туриш йўлга қўйилган. Туманимизда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг таянч пунктларини ташкил қилганмиз.

Аёлларимиз декрет таътилига чиққан кундан бошлаб жойлардаги ходимларимиз назоратида бўлади. Бажарилган ишларни айтиб мақтанмайлик, тўғриси айтганда, ҳали қилинадиган ишлар анчагина. Туманимиз аҳолисининг ижтимоий аҳволини яхшилаш учун эса имкон қадар ҳаракат қиламиз, албатта.

— Мазмуни суҳбатиниз учун раҳмат.

Абдураул ПАРДАЕВ
суҳбатлашди

БОЛАНИНГ УЙКУСИНИ БУЗМАНГ

Еш боланинг баркамол ўсиши учун унга зарур бўлган барча нарсанинг, жумладан уйқунинг ҳам ўз вақтида бўлгани маълум. «Вельт эм Зонгга» номли немис газетасининг езишича, 6 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларнинг 23 фоиздан кўпроги ухлашда қийналаркан.

Бир гуруҳ немис руҳшўнослари қатъий қўйғина болаларнинг ота-онаси, бобо-момоси кумагисиз ухлашлари мушкул эканлигини таъкидлашмоқда. Бунинг учун эса бола мунтазам режим асосида уйнаши, сайр қилиши керак. Чунки бола кўпроқ жисмонан ҳаракат қилиб, чарчаса, яхши ухлайди. Шунингдек, бола уйқудан олдин иложи борича камроқ телевизор олдида ўтириши лозим. Унга уйқудан олдин эртақ айтиш еки қизиқарли нарсалардан ўқиб бериш тавсия этилади.

А. САҒАРОВ тайёрлади



Болалигим — пошшолегим

Абдул Ғани Жума сурати

БЕКАТДА

Бир куни

Якшанба куни опамнинг илтимосига кўра, Тошкент Отчопарига борадиган бўлдик. Тошкент-Жанубий шохбекати одамтагидек одамлар билан гавжум. Дам олиш кунни эмасми, одамларнинг кўпчилиги шаҳар айлангани чиқишган. Йўловчиларнинг шу қадар кўпчилиги кишининг диққатини оширади. Бир пайт оломон орасига одмигина кийинган йигитча кирди-да, одамлардай Тошкент Отчопарига қайси автобуслар қатнашини сў-

ради. Бекатда турган йўловчилардан бир киши: «Ўғлим, мен ҳам ўша ёққа бораман» деди-ю, илдам нари кетди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас ҳалиги йўл кўрсатар амаки башанг кийиниб олган икки йигитни ўзи билан эргаштириб ортига қайтди. Амакининг ўғилларимикан, дея ўйладик. Йигитлар эса куппакундузи уялмай-нетмай, яна одам энг гавжум бўлган жойда бояги йигитнинг чўнтагидаги бор-будини олиб қўйишди. Йигит эса атрофда-

гиларга: «Ёрдам беринглар, пулимни олишяпти. Азизлар, нега қараб турибсизлар, ўриларни ушланглар» дея бақирганча жойида қотиб қолаверди. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, ҳалигина бақириб-чақириб турган одамлардан садо ҳам чиқмади. Биз шунчалар лоқайдлик, бепарқлик, бир-биримизга нисбатан бемехрлик ботқоғига ботиб кетган эканмизми? Бўғизмага бир нарсатиқилгандай бўлди.

Саодат ҒОЙИПОВА.

Ибратли оила

— Ҳали урганади, тугрими, углим, — дейди Нигорахон. — Германияда немис тилини мендан тез урганиб олди. Борган кунимизданоқ немис болалар билан бирга ўйнаб, кечгача бир неча сўз урганиб келганди.

Жамшид — Иқтисодиёт Университетининг 3-курсида ўқийди. Бизнес мактабини тамомлаган. Ўзбек, рус, инглиз, немис, турк тилларини билади.

Жамшид Туркиядан келган меҳмонлар билан Самарқандга кетганлиги сабабли ўзи билан суҳбатлаша олмади.

Даврон — оиланинг кенжа фарзанди. 1978 йилда туғилган. Халқаро Дипломатия университетини Халқаро иқтисодий муносабатлар куллитининг 1-курс талабаси.

— Тил билишинг дарсларда қўл келтирган бўлса керак?

— Жуда. Ўзбек, рус, инглиз, турк тилларини билардим, ҳозир акамдан немис тилини урганаялман.

— Оруларинг?

— Ҳозирча кўнл билан ўқиш ва насиб қилса университетни имтиёзли диплом билан тугатиш. Кейингилари... Мақтанмай қўя қолай...

...Яна нималарнидир айтмоқчи эдим. Лекин... мана шуларнинг узидан ҳам «Нимаси ибратли?» деган саволга жавоб топган бўлсангиз керак.

Бахриддин АБДУ САИД

ҲАММАСИГА ОНАСИ «АЙБДОР»

Багрикенг ўзбекнинг бир оиласи. Аслида бу оиланинг бошқа оилалардан фарқи йўқдай. Турган гапки сизнинг кўнглингиздан «Унда нимаси ибратли?» — деган савол ўтди. Тугриси... мен ҳам бу саволингизга жавоб беришга қийналаман. ...Келинг, яхшиси сизга Янгиариқ маҳалласида истиқомат қилувчи Эшмухамедовлар оиласи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтай. Саволингизга эса... мақола сўнгига ўзингиз жавоб топарсиз, деб ўйлайман.

Дониёр Эшмухамедов — 1945 йилда туғилган. 1965 йил Тошкент Политехника олийгоҳининг самолётсозлик куллитини тамомлаган. Ҳозирда Шайхонтоҳур тумани спорт-техник клубида авиамодел спорт буйича инструктор бўлиб ишлайди. Ўз соҳаси буйича спорт устаси.

— Ўғилларингиз орасида ота касбини эгаллаганлари борми?

— Йўқ. Лекин ота касби буйича икки углим спорт устаси, бири эса усталикча номзод.

— Фарзандларингиз 4-5 тадан чет тилини билар экан...

— Э, ҳаммасига онаси «айбдор». Шундоққина маҳалламизда иккита мактаб бўла туриб келиноингизнинг таклифи билан ўғилларим Олой бозори яқинидаги инглиз тилига ихтисослашган 17-урта мактабда ўқишган. Мен эса... уларни дарсга обориб олиб келардим.

Мастура Эшмухамедова — 1946 йилда туғилган. «Ўзбекистон» даволаш-илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида врач.

— Ҳар қалай ТошМИни битирган бўлсангиз керак?

— Йўқ, аввал ТошДУнинг биология куллитини, кейин... умуман, еттига дипломим бор.

— Фарзанд тарбиясида кўпроқ нималарга эътибор берасиз?

— Биласизми, баъзилар бола ёшлигида кўп ўқиса миёси чарчабди, деб ўйлашди. Аслида эса, ҳалқимиз айтганидай, ёшликда урганган илм тоғша уйилган битикдир. Шунинг учун ҳам фарзандларимнинг илм олиши учун қўлимдан келган барча шароитни яратиб бердим. Қолаверса, ўзим ҳам шулар сабаб Германия, Туркия каби хорижий мамлакатларни кўрдим.

— Хонадонларингизда чет эллик меҳмонлар ҳам тез-тез бўлиб тура керак?

— Америка, Янги Зеландия, Германия, Япония, Туркиядан меҳмонлар келиб туришди. Уларни энг қойил қолдирган нарсаси — ўзбек таомлари. Телефон қилишса ҳам, хат ёзишса ҳам «ўзбек паловини соғиндик», дейишди.

Жасур — оиланинг тўнгич фарзанди. 1970 йилда туғилган. 1993 йилда ТошМИни имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ҳозир шу олийгоҳ аспиранти. «Мияга қон қуйилишини даволаш» мавзусида илмий изланишлар олиб борапти.

— Жасур, яқинда сафардан келибсиз?

— Ҳа, августда Германиядан келдим. Немислар юртига биринчи марта 1989 йилда қурилиш отряди билан борган эдим. Ушанда Клаус исмли йигит билан танишиб, дустлашдим. Сўнг... у Ўзбекистонга келди. Тошкент, Самарқанд, Қўқонни томоша қилдик. Ҳа, айтгандай, Клаус октябрда яна келади. Шартнома тузиб, ўрта мактабларнинг бирида химия ва биологиядан дарс ўтмоқчи.

Германияда асаб касалликлари шифонасининг реанимация бўлимида бир йил ишладим. У ердаги замонавий даволаш усуллари, яратилган шарт-шароитларни қўяверинг, иншолло, тез орада бизда ҳам шундай бўлғай.

— Бир йил мобайнида немис тилини ҳам урганиб олган бўлсангиз керак?

— Албатта. Унганча ўзбек, рус, инглиз, хитой, турк тилларини билардим.

— Режаларингиз қандай?

— Ҳозир америкаликлар билан ҳамкорликда шифохона очиб ва иложи борида уни йил охиригача ишга тушириш режасини тузаяпмиз.

— Биздаги шифохоналардан фарқи қандай бўлади?

— Шифохонага бутун даволаш аппаратларини Американинг ижтимоий ёрдам курсатувчи «Крослинг» фирмаси олиб бермоқчи. Демокчиманки, замонавий даволаш аппаратлари билан беморларга хизмат курсатамиз.

— Яна нима дейишингиз мумкин?

— Бизнинг илм олишимиз учун барча шароитни яратиб берган ота-онамга раҳмат.

Нигора — Жасурнинг умр йўлдоши. Низомий номидаги Муаллимлар тайёрлаш институтини тамомлаган. 301-боғчада инглиз тилидан сабоқ беради.

— Нигорахон, Германияда ҳам бир йил боғчада ишлабсиз. Бизнинг боғчалар билан уларники орасида қандай фарқ бор?

— Уларда биздагидай катта ёшчилар, кичик ёшчилар, деб болаларни бўлимларга ажратилмайдими. Қолаверса, бизга маълумки инсоннинг ақлий онги ёшигидан шаклланади, шу сабабли уларда ҳалқимизнинг каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл, деган пурҳикмат нақли бўлган бошлаб болалар онгига сингдирилади. Ўйинчоқлар ҳам турли-туман, фақат олти ёшга тулган болаларгагина дарс утилади...

Отабек — Жасурнинг ўғли, тўрт ёшга тулди.

— Отабекжон, қайси тилларни биласан?

— Ўзбек, рус, немис тилини, инглиз тилини ҳам оз-моз биламан.

— Даданг ҳам, ойинг ҳам турк тилини биларкан, сенчи?

— Э, турк тилига қизиқмайман.



(Давоми. Боши ўтган сонларда) XV

Лондон, 1747 йил, 14 апрел

ЖОНДАН АЗИЗ БОЛАЖОНИМ!

Ҳозиргина мистер Хартдан сен ҳақингда маълумот олиб, шунчалик қувондимки, агар яхши ишлар қилиш сенга менинг қувончимнинг ярмичалик бахтиёрлик келтирса, билгинки, сенга панду насихат беришнинг ҳожаги қолмайди. Ҳолбуки, хайрли ишларни сен ўз нафсониятнинг ва эҳтиёжнинг қондириш учун ҳам амалга оширишга ҳаракат қиласан. Мистер Харт машгулотларга жиддий эътибор ва ҳафсала билан ёндошавтганинг, дарсларни чуқурак билганинг сари улар сенга маъқул бўлиб бораётгани тугрисида ёзибди. Машгулотларга эътиборинг ошгани сайин билмдан лаззатланиш туйғуси ҳам ортиб бораверади.

Бошқа ҳеч нарсаси кўнглингни бўлмай, бутун диққат-эътиборингни фақат ўз машгулотларингизга жалб этгин, деб айтган ўғилларим доимо қўлгингга бўлсин. Бу билан кўн бўли китобдан бош кутармай ўтир, демокчи эмасман. Йўқ, ўйин-қўлгига ҳам, албатта, вақт ажрат. Лекин ўйинларни ҳам худди китоб устида ўтиргандек диққат ҳафсала билан бажаришингни хоҳлардим. Чунки ўқишга ҳам, ўйинга ҳам ҳафсаласизлик билан киришсанг, табиийки, уни-сиданам, бунисиданам роҳатлана олмайсан. Ўз диққат-эътиборини зарур томонга йўналтиролмайдиган одам ишга ҳам, ўйин-қўлгига ҳам ярамайди. Меҳмондорчиликда ўтирган одам ҳавлида геометриядан масала ечиб ўтирса, жамоа ўртасида қандай аҳволга тушишини тасаввур қил. Шунингдек, геометрия машгулотлари пайтида ҳавлпарастлик қилиб ўтирадиган одамдан ҳам тузуқроқ математик

чиқмаслиги ҳаммага аён. Кўн узок. Агар бир вақтда фақат бир нарсаси билан шуғуллансанг, кейин эса бутун эътиборингни иккинчи нарсасига жалб эта билсанг бир кунда кўп ишга улгуриш мумкин. Лекин бир вақтнинг ўзига икки-уч нарсаси билан шуғуллана бошласанг, билгинки, сенга бир йил ҳам етмайди!...

XVI

Лондон, 1747 йил, 30 июл

ЖОНДАН АЗИЗ БОЛАЖОНИМ!

Тўрт марта почта келди, аммо сендан ҳам, мистер Хартдан ҳам бирон-бир хабар йўқ. Назаримда, Швецияда у жойдан бу жойга тез-тез қўчиб турганга ўхшайсизлар. Энди бирор ерда мўқим ўр-

сан. Яна ишончим комилки, немис тилини ҳам чуқур урганасан, агар хоҳласанг бу вазифани жуда қисқа фурсатда бажара олишингга кўзим етади. Лейпцигга нима билан шуғулланавтганингни менга етказиб турувчи юзлаб «айгоқчи»ларим бўлади. Ҳар ҳолда фаолиятинг ҳақида батафсил маълумот олиб, сен ҳақингда ҳам Веллей Петеркул Сципион хусусида айтган қуйидаги сўзларни такрорлаш умидидаман: «Мактовга лойик бўлмаган ҳеч нарсаси демади, ҳеч нарсаси қилмади ва ҳеч нарсани ҳис этмади...»

Лейпцигга кўплаб ажойиб одамларни учратасан. Кўндоғи машгулотлар тугагандан сўнг, оқшомлари уларнинг даврасида ўтказишингни истардим. У ерда бева герцогиня Курляндская ҳомийлигида ажойиб



нашгандирсизлар, деб ўйлайман.

Сен ва мистер Хартга Ўзган сўнгги мактубларимда авлиё Михаил кунигача Лейпцигга бўлишинг лозимлигини айтган эдим. У ерда профессор Мэсконинг уйида яшаб, яқин орадаги пансионлардан бирига қатнайсан. Пансионда ўзинг тенгқур ёш йигитлар билан профессор Мэсконинг лекцияларини тинглаш шарафига муяссар бўласан. Профессор Гроцийнинг «Ҳарбий ва тинч вазият ҳуқуқлари» асари ҳақида батафсил тушунча беради. Ўйлайманки, лекцияларни шунчалик тингламай, уларни диққат билан ўзлаштириб, эслаб қола-

давра бор, сени ўша жойга олиб боришин. Ҳар йили икки бор ярмарка пайтида Лейпцигга Полша қироли ўз ҳеш-акраболари билан келади. Қироллигимиз вакили сэр Чарлз Уильямсга ёзиб юбораман, у сени аслзодалар даврасига олиб киради.

Агар сен ўзингни эркин тутиб, оқсуякларга хос ҳулқ-атвор соҳиб эканлигин билан одамлар эътиборига сазовор бўлсанг, яхшилар даврасини орзу қилмай қўяқол. Хатти-ҳаракатларингни тартибга солиш билан бирга шаклу шамойилни ҳам ёлдан чиқарма, ҳамиша дид билан кийиниб, одамлар билан ҳушмуомалада

бўл. Улар олдида кўпол қилиқлар ва ҳуш хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлан. Бетайин қилиқларга одатланиб қолсанг, улардан халос бўлиш мушкул кечади. Ҳар тонг ва ҳар гал овқатдан сўнг оғзини чийиб лозимлигини ёлдан чиқармадингми? Бу билан сен тишларингни асрайсан ва ўзингни азоблардан қутқарасан. Тиш оғригидан роса тўйганман. Сендек пайтимда етарлича парварши қилмаганим оқибатида ҳозир тишларим бирин-кетин тушиб кетаяпти. Кийинишинг яхшими, бачкана эмасми? Бирор нуфузли жамоа орасида ўз хатти-ҳаракатларингни етарлича назорат қила билаяпсанми? Буларнинг ҳаммаси ўз юриш-туришинг, хатти-ҳаракатларинг устида саботу матонат, диққат-эътибор билан ишлашни тақозо этади. Ташқи қиёфанинг дилдорлиги — энг яхши тавсияномадир, дейди лорд Бэкон. Ташқи кўринишининг гузаллиги инсоннинг қадр-қимматини кўтаришда шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади.

Ёлданган чиқарма, сен билан ёзда Ганноверда қўришамиз. Ушанда сен ҳар жиҳатдан баркамолликка эришган бўласан, деган умиддаман. Агар орузларим сароҳа айланса, билгинки, биз сен билан келишолмаймиз. Сенинг ҳар бир юриш-туришингни, биллимингни микроскоп тағига қўйиб ўрганиб чиқаман ва зигирдек нуқсонингни ҳам топиб оламан. Менинг ишим огоҳлантириш, ҳулосани эса ўзинг чиқариб олавер. Сенинг...



Абдурасул Пардаев сурати

АЙЁР ТУЛКИ ВА ҒОЗЛАР

(ирланд халқ эртаги)

Айтишларича, тулкининг пайдо бўлиши доим ғозлар учун таҳлика уйготаркан. Бунинг сабаби нимадалигини биласизми, азиз болажонлар? Келинг, бўлмаса шу ҳақдаги эртагимизга қулоқ тuting.

Қадим замонда катта бир ўрмон бўлган экан. Бир кун ана шу ўрмонда иккита ғоз жанжаллашиб қолибди. Хуллас, арзимаган битта япроқни деб бошланган баҳс жанжалга айланди. Бу жанжалга бошқа ғозлар ҳам қўшилишибди. Шу тариқа бутун ғозлар оиласи иккита гуруҳга ажралиб ўрмонда шунақанги катта тўполон кўтаришибдики, бундан ўрмондаги барча жониворларнинг ороми бузилди.

Бу орада можаронинг устига тулки келибди. Айёр тулки туғишганларга бундай жанжал ярашмаслигини, бунинг тинч йул билан ҳал этишни ва бунинг учун ғозларнинг ақли бир қозига боришларини маслаҳат берибди. Шунда ғозлар баҳс-жанжални муросага келтира оладиган ҳеч қандай таниш қозиси йўқлигини айтишибди. Мугомбир тулки эса дўстлик ҳаққи-ҳурмати ғозларга чин дилдан ёрдам беришга ва ҳақамликни ўз зиммасига олишга рози бўлибди.

Тулки даставвал жанжал чиқарган ҳалига ғозларни ўзи билан уйга олиб бориб, бўлиб ўтган можарони батафсил билиши кераклигини айтибди. Ғозларни уйга олиб келган тулки суҳбатимизни ҳеч ким эшитмасин деган мақсадда эшикни тамбалабди. Бирпасдан кейин уйдан чиққан қози уларнинг суҳбатига яна иккита ғоз қатнашиши лозимлигини айтади. Яна бир пастан кейин ташқарига чиққан тулки гувоҳликка яна 2 та ғоз кераклигини айтганда, барча ғозлар гувоҳлик беришга интиладилар. Ёланган қози эса 2 та катта ва семиз ғозларни гувоҳликка танлайди. Орадан озгина фурсат ўтиб, тулки энди 2 та ҳимоячи керак бўлганлигини айтиб, бунга одатдагидай вакилларни — семиз ва катта ғозларни танлаб олади. Ғозларнинг ичидаги бир ақллироғи тулкининг

ҳар бир чиққанида қорни қаппайиб бораётганлигини сезади. Тулки эса бунга жавобан берилаётган гувоҳликлардан шишаёганлигини содда ғозларга ўқтиради.

Орадан анча вақт ўтса ҳамки, на ғозлардан ва тулкидан дарак бўлавермагач, қолган ғозлар тулкининг уйига киришни ва воқеани батафсил билишни маъқул кўришибди. Ичкарига кирган ғозлар тулкининг момиқ пар ёстиқда ухлаб ёт-

ганлигини кўришиб, уни туртиб уйготадилар. Шунда тулки:

— Ким уйлабди дейсиз, дунёда бунақанги алдоқчилик, хоинлик бўлади — деб, дод-вой қилибди.

— Бу билан нима демоқчисиз? — ҳайрон бўлиб сўрашибди ғозлар.

— Мен уларнинг ёлгон кўрсатмалари ва гувоҳликларидан толиқиб, бир пас дам олишимни айтгандим. Ва улардан ухлаганимда менга қорувуллик қилишни сўрадим. Қаранга, бир овоздан бу таклифни маъқуллашган ёлгончилар жуфтакни ростлабдилар-да. О, хиёнаткорлар! Мен билан иккита энг ҳурматли, катта ғозларни қолдиринглар, токи мен ёлғизланиб қолмай. Қолганларинг эса зудлик билан алдоқчиларни ушлаб келинглар. Токи, у гирромларни тутиб менинг олдимга олиб келмагунларингча кўзимга кўринманглар, йўқолинглар, — деб бақирибди қози.

Шу кундан бери қулоқсиз ғозлар «ғақ-ғақ-ғақ» дейишиб «хиёнаткор» шерикларини излаб юрганмиш. Ғозларнинг тулки кўриниши билан дарҳол кўздан ғойиб бўлишидаги сир ҳам ана шунда экан.

Алижон САФАРОВ таржимаси



«БЕЧОРА» ТОВУҚ

Шошмай, иштаҳа билан
Бодроғин чайнаб ўнар,
— Ҳе, аттанг, товуғимнинг
Тиши йўқ, — деб ўқинар.

— Тиши бўлганда борми,
Дон-дунни ютмай шартта,
Билиб олган бўларди
Мазасин ҳам албатта!

Абдурахмон АКБАР

ИЛМЛИ БОЛА

Мен боламан, боламан,
Боғдаги гул, лоламан.
Ота-онам меҳридан,
Тўйиб нафас оламан.

Мен боламан, боламан,
Боғдаги гул, лоламан.
Она-ер, она-Ватан,
Меҳри билан ёнаман.

Мен боламан, боламан,
Боғдаги гул, лоламан.
Илм олиб дунёга,
Бир кун довруғ соламан.

ДУСТ ЧОРЛОВЧИ

Қўқда очиб кенг қулоқ,
Учаётган қалдирғоч.

Кел уйимга, нон берай,

Гар истасанг жон берай.

Бирам сайрашларинг соз,

Сайраб, яйрашларинг соз.

Ўзинг бир митти қушча,

Келмайсан ҳатто муштча,

Лек дилингда чирой бор,

Юлдуз бор, қуёш, ой бор.

Эзгулик бор бир ноёб,

Нурдек ҳаётбахш, камёб.

Сен дўстимсан, ҳам иним,

Туташ дилингга дилим.

Сен борсанки, мен борман,

Сендек бир дўстга зорман.

Кел, дардимни ёрай, кел,

Дардларингни олай, кел!

Барот ЯРАШ

БОЛАНИНГ ИЛМИ ШИРИ

Элдор ботинкасини калиш билан кийаяпти. Онаси дейди:

— Элдор, кўча қуруқ, лой йўқ.

— Мен топаман, ойи.

xxx

Ота: Тойчоғим, айт-чи, катта бўлсанг нима қиласан?

Ўғли: Соқол қўяман.

Ота: Нима учун?

Ўғли: Юзимда ювишимга камроқ жой қолади.

xxx

— Эркин, синфингизда энг ялқов ким?

— Билмайман.

— Ҳамма ёзаётганда, ким ёзмай қараб ўтиради?

— Ўқитувчимиз.

xxx

Она ўғилдан сўрабди:

— Даданг олиб берган ҳамма ўйинчоқларни синдириб бўлдингми?

— Йўқ. Болғача қолди.

xxx

Химия ўқитувачиси:

— Шу танганин кислотаса ташласам, эрийдими, йўқми?

Ўқувчи жавоб беради:

— Йўқ.

— Тўғри! Эримаслигини қайқдан билдинг?

— Эриса, ташламас эдингиз-да...

Ҳисобдонлик ўйинлари

ҚАЧОН ТУФИЛГАНСИЗ?

Қуйдаги ҳисобдонлик ўйинларини оғзаки, тез ҳисоблай оладиган ўқувчилар ур-тасида ўтказиш жудаям қизиқарли бўлади.

Туғилган кунингизни айтиб бераман

Авалл ўйинда иштирок этаётганлардан ҳар бири йилнинг қайси ой ва кунда туғилганлигини топа олишингизни эълон қилинг. Хоҳловчи кишига туғилган кун рақамини иккита купайтириб, сўнг бешини қушишни таклиф этинг. Сўнгра натижа элликка купайтирилади. Келиб чиққан миқдорга эса туғилган ойнинг йил бошидан тартиб рақами қушилади. Энг сўнгги натижани сизга айтишини сўранг. Сиз эълон қилинган сондан 250 ни дилингизга олиб ташланг. Бунда келиб чиққан соннинг сўнгги икки хонаси (у нол билан ҳам бошланиши мумкин) ойнинг рақамини, олдинги сонлар туғилган кунни англатади.

Энди бунини қуйдаги мисол билан қуриб чиқамиз. Масалан: Камоланин туғилган ку-

ни 24 август бўлсин. Бунда 24 ни иккита купайтириб, натижага 5 қушилади. Сўнг йилнинг 50 га купайтириб, 8 ни яъни — август ойининг йил бошидан тартиб рақамини қушилади. Илтимосингизга кура айтган — 2658 дан 250 ни айирасиз. Сўнгги натижа 2408 сони 24 августнинг англати-ди.

Ёшингиз нечада?

Бу ўйин етти ешдан ун уч ешгача бўлган ўқувчилар уртасида ўтказишга муво-лақатли. Дастлаб ўйин иштирокчиларнинг ҳар бири неча ешга кирганликларини айтиб бера олишингиз мумкинлигини эълон қилиш билан бошланади. Хоҳловчига аввал ўз ешини дилда ун марта ортириб, купайтмадан 36 ни айришни айтинг. Ҳосил

бўлган натижани эълон қилишни сўранг. Сиз билиб олган соннинг сўнгги рақамини олдинги сонга қушасиз.

Масалан: 84 сони айтилган бўлсин. Бунда 4 рақами 8 га қушилса 12 ҳосил бўлади. Демак, бу иштирокчилнинг еши 12 да эканлиги аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлади



В. Тўраев сурати

«ҚИЗИЛ ТОНГ» МАҲСУЛОТЛАРИДАН БОРМИ?

ДЕРАЗА

УЕФАНИНГ ҚОРА КУНЛАРИ

Киевнинг «Динамо» футбол клуби раҳбарлари Европа чемпионлари лигасида Юнонистон чемпиони «Панатинаикос» билан бўладиган учрашувдан олдин бош ҳакамга пора бермоқчи бўлишди. Испаниялик ҳакам Антонио Хесус Лопес Нието бу ҳақда УЕФА тартиб-назорат комиссиясига хабар берди. Шундан сунг «Динамо»чилар уч йил давомида УЕФА байроғи остида утказиладиган мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар. УЕФАнинг расмий вакилларида бири бу воқеани шарҳлар экан, «Европа футболнинг қора кунлари» деб атади.

ҲАЗИЛЛАШГАН ЭКАН

Номатълум шахс Финляндиядаги спиртли ичимликлар савдосини бошқариб турувчи «Алко» давлат уюшмасига қўнғироқ қилиб, Франциядан яқинда сотиб олинган 400 минг шиша винонинг олитасида заҳар боллигини айтди. Тезликда барча винолар савдодан олинди ва лабораторияда текшириб курилди, лекин ҳеч қанақа заҳар топилмади.

БОБОМЕРОС ҚҮРОЛ

Ҳиндистоннинг Лакшнау шаҳрида яшовчи Амарнахт Маурянинг қувончи чексиз. Сабаби у бир неча йиллик судлашувдан сунг Бобур подшолиги даврида ясалган қўрол-тушни маҳаллий ҳокимиятдан қайтариб олди. Мауряга боболаридан мерос бўлиб қолган ва мутахассислар томонидан 32,2 минг долларга баҳоланган тушни бир неча йил олдин маҳаллий матмурлар давлат мулки деб эълон қилиб, ноқонуний равишда тортиб олган эдилар.

ШҲХ БОЛАНННГ ЖАЗОСИ

Йоханнесбург шаҳри (Жанубий Африка Республикаси) мавзеларини назорат қилиб юрган полициячилар занжирбанд қилиб қўйилган олти яшар болани топиб олишди. Маълум бўлишича, болакай жуда шўх бўлиб, ота-онасига ҳеч тинчлик бермагач, улар фарзандларини шундай усул билан жазолашди.

МАОШИНИ ҚИСҚАРТИРИШГАНИ УЧУН

Бразилия Миллий Конгресси хизматчиси 74 ёшли Эдил ди Мелло депутатлар кизгин баҳс билан банд пайтида уз жонига қасд қилди. Узининг ойлик маоши 3200 доллардан 1200 долларга камайтирилганидан хабар тошган кекса хизматчи норозилик белгиси сифатида тушпончадан юрагини мулжаллаб ўқ узди. Кексалик туфайлими ёки охириги дақиқада ҳаёт қузига ширин қуришиб кетди, ҳар ҳолда, ди Меллонинг қўли қалтираб ўқ бор-йўғи баданини ялаб ўтди.

ИМТИЁЗЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Яқинда Россия Федерацияси ҳукуматининг махсус комиссияси Анатолий Чубайс раҳбарлигида йиғилиш ўтказди. Унда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган спиртли ичимликларга катта миқдорда турли хил солиқлар солинаётган бир вақтда, чет эл ичимликларини келтириб сотаётганларга ҳар хил имтиёзларнинг берилиши мақсадга мувофиқ эмас деб топилиди. Шу йилнинг 1 октябридан чет эл спиртли ичимликларига нисбатан қўлланаётган барча имтиёзлар бекор қилинади.

Хорижий манбалар асосида тайёрланди.

да харидорғир эди. Бугунги кунга келиб «Қизил тонг» очик турдаги акционерлик жамиятига айлантирилди. Мустақиллик шарофати билан чет элда ишлаб чиқарилган замонавий бичув ва тикув дастохлари билан жиҳозланди. Масалан, республикада ягона булган Франциядан келтирилган бир йўла 33 тагача кийим бичадиган автоматик бичиш дастоғи бир неча кишининг қўл меҳнатини бажаради. Қўшни Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳридан эса сифатли хом ашё олиб келинмоқда.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли хилдаги кийим-кечақлар, айниқса, мавсумий — қишқи пальтолар сизнинг ҳам дилингизга утиришига ишончим комил. Нетаки, хом ашё харидор қўлига тайёр маҳсулотга айланиб этиб боргунга қадар ҳам не-не синовлардан ўтади.

— Олдинига рассомларимиз чизиб берган эскиз буйича, айтийлик пальто булсин, 2-3 донга тикилади, — дейди корхона бош муҳандиси Шарифа Юсупова. — Кейин эса, уша пальтоларга цех бошлиқлари, бош технологлар, рассомлар ва бажарувчилардан иборат махсус комиссия курғазмалар залимизда баҳо беришади. Ана шу комиссия маъқул топсагина бичув ва тикув цехларимиз ишга киришади.

Тўғри «Қизил тонг»да 20-30 йилдан бери ишлайдиган Д. Умарова, О. Пулатова, Д. Алиева, С. Усмонова каби уз ишининг усталари қўлидан утган маҳсулотлар хорижникидай чиройли тамгаю бежирим ғилофчаларда эмас, лекин ҳам шарқона, ҳам гарб модасида тикилган, энг асосийси, сифати ва нархи жуда сизбоп.

Фикримиз исботи сифатида «Оила ва жамият» газетаси тахририяти аъзолари жамоа бўлиб корхонага буюртма беришганини айтишимиз мумкин. Ҳамонки «Оила»чилар сифат ва нархига тан берган экан, ишонаверинг, сиз ҳам бош чангаллаб қолмайсиз. Бунисига биз қайил.

ДҲКОНДА

Харидор: — *Совуқни қаранг, эт-ни жуижиқтиради-я... Пальтода-рингизнинг «додаси»дан кўрсатинг, ака.*

Сотувчи: — *Марҳамат. Белгия-ники, Покистон, Туркия, Финляндия... Қайсинисидан керак?*



Харидор: — *Йўқ, менга сифатли, бежирим ва ўзимизнинг руҳиятимиз ҳамда шароитимизга мос келадиган «Қизил тонг»никидан бўлса.*

Сотувчи: — *Э ука, ҳазиллашяп-сизми? Ундан кўра, анқонинг уруғидан сўранг... «Қизил тонг»никидан топсангиз бизга ҳам 52-ўлчамлисидан битта қўшиб олинг, шапкасиниям берамиз...*

Бахриддин ҚҲШМООНОВ.



«Қизил тонг» очик турдаги акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қуйидаги дўконлардан харид қилишингиз мумкин:

**Чехов кўчаси 21-уй «Тонг-5»,
Космонавтлар кўчаси 41-уй «Тонг-1»,
Тошкент автовокзали ёнидаги «Тонг» дўконларидан.**

**Керакли маълумотларни қуйидаги телефонлардан олишингиз мумкин:
33-81-44, 56-73-76**

ШАЪРИКЛАЙМИЗ!



Sevimli Kelim
УМИДА-ХОН! Биз сени 7-октябрда нишонланаётган таваллуд айёминг билан муборакбод этамиз. Сени тансиҳатлик, узоқ умр, оилавий тотувлик тилаймиз. Бахт ва омад ҳаминча ҳамроҳинг бўлсин, деб ХУРРАМОВЛАР онласи.



Холмурод, Шомурод, Тоҳир, Мақсуда ва келинларингиз.

Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани

Мухтаром ойи-жонимиз Ҳадича КЕНЖАЕВА! Биз сизни таваллуд кунингиз билан қутлаймиз. Оилангиз обод, турмушингиз раво бўлсин.

Фарзандларингиз



РУСТАМОВ ҚУЛАҲМАД ва **САЙДАҲМАД САТТОРҚУЛ** ўғли!
Жонинг азиз акажонларим!
Сизларни улуғ айём ТУФИЛГАН КҲНИНГИЗ БИЛАН чин юракдан табриқлаймиз. Ҳайдагиз энг ширин, эзуғ тилақлар Сизларга ёр бўлсин!

Ҳурматли ҲАФИЗА АЯ!
Сизни қутлагу 50 ёшли туйингиз билан табриқлаймиз.

Ўғлингиз Каҳрамон Умиров, невараларингиз Жаҳонгир, Шоҳрух, ва Шавкат.

Оиламиз номидан табриқлаб: укаларингиз ПҲЛАТЖОН, ШОМУҲАММАД, ШОМУСАМАТ.

«МУҲАББАТ — ДУРИ БЕБАҲО»

Шарқ маънавий меросларидан бирида шундай жумлалар бор: «Шаҳзода кузгуга қараб парининг сувратини қурибди-ю, «ох» дея хушидан айрилибди...»

Сиз буни «эртаку» демоқсиз. Мен ҳам дабдуростдан буни инкор қилмоқчи эмасман. Илло гурунгимиз муҳаббат — асли эртақларга ҳаётдан кўнган, инсонман дегани минг куйдан олиб, яна минг куйга солишга қодир муқаддас бир туйғу ҳақида.

Туш каби кечгучи умрда кимдир «ёнмоқ», «уртанмоқ», «висол», «армон»ларнинг барча азобу лаззатларини қисматда борица тотиб куради. У кимнидир шеърга ошино этиб қўйганида:

«Ғамларга ботса одам муҳаббатга
суянгай,
Чорасиз қотса одам муҳаббатга
суянгай...»,

дебон бўзлагай.

Қалблар бор, муҳаббат умр давомида бир борагина келади, келганда ҳам вулқон каби борлиққа ларза солиб, уни кўнпа-кўн қилади ва ... қайтиб уйғонмайди.

Қалблар бор, севгисиз яшолмайдиган ва умри етгунча қайта-қайта севмоққа қодир. Бу мойиллик ва номойилликнинг сирини очиш мумкинми?.. Биологик нукта-назардан қараганда, муҳаббатни инсоният авлодининг давомийлигини таъминлаб турувчи табиат ато этган энг қудратли инстинкт, деб тушуномқ керак, албатта. Шундай бўлсада, ҳар ҳолда...

Келинг, аввал улуг кийиларнинг асрори, мул ушбу туйғуга берган таърифларини эшитиб кўрайлик. Арасту: «Муҳаббат боғлаш — сен узинг саодат билган нарсани бошқа бировга илиниш, илинганда ҳам узинг учун эмас, балки узинг севган одамнинг ҳақси, имкониятига қараб бу саодатни унга бахш этишингдир». Ломоносов: «Муҳаббат инсон қисматидиға буюк ақлсизликдир». Волтер: «Севги барча эҳтирослар ичида энг қудратлисидир, шунинг учун ақлу ҳайлани, қалб ва вужудни эгаллаб олади...»

Демак, севги фақат биологик наслнинг давомийлигини таъминловчи воситагина бўлиб қолмай, у башариятни камолот сари рағбатлантирувчи қудратли омил ҳам экан.

Энди инсоният икки жинс ўртасидаги нозик муносабатларни қандай тушуниб келганига тўхталсак.

Амриқонинг «Таймс» ойномасида бўлиб, анча шов-шувларга сабаб бўлган мақола муаллифи, таниқли антро-

полог (инсониятнинг келиб чиқишини ўргатувчи) Фишер инсониятни узок минг йилликлардан омон етказиб келаётган бу ҳиссиётни соддагина қилиб биология ва кимёнинг ҳаммага маълум ривожланиш жараёни билан ҳам изоҳлаб бериш мумкин, дейди. Тушунарлироқ қилиб айтганда, эртақдаги шаҳзодадан гузалликда бетимсол маликани кўргани ҳамон хушидан айрилиши сирини ҳам бугунги куннинг кимёвий формулага солиб аниқласа буларкан.

«Севги кимёси» борасида Урусиялик академик олим Тоболнининг қуйидаги фикрлари эътиборга молик.

— Муҳаббат деб номланувчи олий туйғунинг ахлоқий ва маданий қирралари буйича миллион-миллион бадий асарлар яратилган. Мен эса, олим сифатида, унинг кимёвий таркибига тўхталсам,— деб ёзади у,— эркак ва аёл жинслари гармонлари ўртасида шундай бир нозик муносабатлар ўрнатилганки, уларнинг фаолияти вужудга мисли қурилмаган куч билан таъсир кўрсатиб, бутун эҳтиросларни кўзгатиб юборади. Натижада юрак уриши тезлашади, ёноқлар ловуллаб, кўзлар порлайди. Биз, вужуд фаолиятининг севиб қолиш босқичида қонда телбавор муҳаббат уйғотувчи амфетамин моддасини қайд қилдик. Шу амфетаминлар туйғули одам худди эс-хушидан айрилгандай, ўз севгисизининг бутун инжиқлиги-ю, танитқ хоҳишларини сўзсиз адо этмоққа мажбум.

Атрофдагиларнинг назарида севшигилар уларини телбавор тутта бошлайдилар. Аммо агар улар бу ҳолга не сабабли дучор бўлишганига биокимё нуктаи назаридан қарасак, қонда амфетаминлар ўта кўпайиб кетганининг гувоҳи бўламиз, ҳолос. Ва оқибатда ошқ-маъшуклар соғлом мантиқ билан қабул қилиш қийин кечадиган ҳамда яққол кўзга ташланиб турадиган ўз-ўзидан хурсанд бўлаверши (эйфорик) кайфиятга тушиб қоладилар. Сўнгра — эҳтиросли севги: қайноқ учрашувлар, висол онлари... Бу жараён эса миянинг мушаклар қисқаришига олиб келувчи акцидент деб аталувчи моддани кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши билан изоҳланади. Ва шу боисдан ушбу модда кўз ёришни тезлаштирадиган восита сифа-

тида айни жараён қийин кечадаган ҳолларда ҳам қўлланилади. Бир сўз билан айтганда, севгида, ўзингиз кўргандай, биринчи ҳаяжонли нигоҳлардан то кўз ёриш азобларига — ҳамма-ҳаммаси ўзаро чамбарчас боғлиқ ва уйғунликда.

— Неча асрлардан буюн севги булган ва инсонлар бундан кейин ҳам на эндорфинлар, на амфетаминлар ҳақида заррача бош қотириб ўтирмай, яна асрлар давомида севшаваражаклар. Фан учун жараённинг тилсимотларини билиб қўймоқ бутунлай бошқа масала, — деб фикрини ақунлайди олим.

Дарҳақиқат, олимнинг якуний мулоҳазалари бу далиллардан «пир» бўлаёзган ҳафсалаларни жойига қайтариб, нохушланган кўнгилларга малҳамдай хуш ёқиб кетгани шубҳасиз.

Бир неча китобларнинг муаллифи, машҳур хорижлик олим Доусоннинг фикрича, вужуд ва туйғулар кутилмаганда ҳамда кескин галаён кутарганларига қарамадан, илк нигоҳлардаёқ севиб қолиш мумкин эмас эмиш. «Чунки, — дейди у, — шунчаки, бир лаҳзалик маҳлиёллик ва романтик эҳтирослар тўя бошлашни ҳали муҳаббат демоққа эрта. Севги синаб қурилмаган киши билан тақдирни боғламоқ истагидан (гарчанд бу истақ ақлдан устунлик қилаётган эса-да) теранроқ, улғурроқ, Кучли интим талаб — эҳтиёжларни жунбушга келиб қолиши ҳам муҳаббат пайдо бўлди, демоқ учун камлик қилади. Хуллас, биринчи нигоҳлардаёқ уйғондиган ҳис-туйғу эса муҳаббат, деб атамоқ учун ҳали жуда арзимас.

Асл муҳаббат — ўзга бир кишига кучли боғланиб қолганликнинг ифодасидир. У инсоннинг ўтмишидаги, ҳозирги ҳамда келгусидаги ҳаётий муҳим талаб ва хоҳишларини тушуна олади. У худбинликдан ҳоли, фидоийлик, қайғурмоқлик каби хатти-ҳаракатларга эса тўлиб тошган». Ҳар ҳолда олим фикрларини мулоҳаза қилар эканмиз, тан олишимиз шарт бўлган жиҳат бу — унинг улкан руҳиятшунослиги, мулоҳазалари эса кузатишларининг натижаси улароқ, ҳаётий далилларга эгаллигидир. Лекин, давтавал мантиқий пишиқдек туюладиган жумлаларни ўқиркансиз, барибир, олим назаридан қонган нимадир бордек туюлаверади уларда.

Усмир қалбида уйғонган илк ҳиссиётлар нақадар бегубор. Қондаги амфетаминларнинг маҳсули бўлиш унинг ҳаяжонлари, изтироблари нақадар табиий, Зигирча бўлсин сохталик йўқ унда!.. Майли. Севги сузи билан ифодаламоқ учун у ҳали ўсиб етилмаган бўлсин. Бироқ барибир уни нимадир деб атамоқ керак! Отабек ва Қумушнинг туйғуларини севги сузи билан ифодалаб бўлмайди, демоққа қандай журъатимиз етди!

Энди шу жойда уринли савол тугилади: наҳотки шаҳзодадан хушидан айрилишига сабаб маликадаги биргина ташқи гузаллик бўлса?..

Биология фанлари номзоди Воронцов бу мавзудаги фаразлари ичида энг ишонарлисини қуйидагича тушунтиради: — Агар эътибор берсангиз, узок йиллар тинч-тотув умр кечираётган оилалар фақат фёъл-атворлари билангина эмас, балки зоҳиран ҳам ўхшаб кетадилар. Бу ўхшашликнинг сабабчиси — авлодга хос ирсий белгиларини сақлаб қолишга уринаётган табиатнинг ижодкорлигидир.

Лўнда қилиб айтганда, ҳар бир тирик мавжудот хромосомалар сидрасида мавжуд бўлган, авлоддан авлодга ўтиб боровчи ўз ирсий белгилари мажмуига эга. Бир сўз билан уларни — «ген» деб атаймиз. У табиий равишда барча белгилари жиҳатидан ўзига ўхшаб генгагина интилади. Улар бирикканда эса наслнинг сифати яхшиланади ва мустаҳкамланади. Бундаги қидириш ҳамда топиш жараёндарининг сирини, тушунтириб бериш осон иш эмас, албатта. Бироқ шу нарсга кўндек равшанки, бу жараён инсоннинг интим хоҳиш-майларни орқали ўзини рўйи-рост кўрсатиб қолади...

— Албатта, олимларнинг севги формулаларига амал қилишга қақшириш фикридан йироқман,— дейди Воронцов.— Аслида ҳам бунинг сира илжои йўқ. Сиз ишонаверинг, қонунларга амал қилишнинг ўзини табиатнинг ўзи қайғиради. Бизнинг бор-йўқ вазифамиз эса умримизда бир борагина бўлсин, ушал «ажиб» дамни бошдан кечиримокликдир.

Сўзимизнинг сўнгига яна «Ўтган кунлар»га мурожаат этамиз: «Муҳаббат деган нарсга жуда оз кишига насиб бўладурган бир дури бебаҳодир...» дейди Абдулла Қодирий. Нақадар қисқа ва лўнда таъриф...

Саҳобиддин ХҲЖАНОВ

Ўзингизни синаб кўринг

ЧАПАҚАЙ ВА ЎНГАҚАЙ ТАРБИЯ

гилчларинг аҳмоқ, ўртоқларинг муғомбир деб, айтди. Илжои борица боладаги инжиқлики тарқатиш учун турли хил ҳазиллар билан олди-қочди гапларни айтди.

б/ ўнгақай ота-она боласининг бу инжиқликларини нўқсон билиб, тўғрилашга ҳаракат қилади. Боласининг ўртоқлари билан келишолмаслик сабабларини аниқлайди.

3. Довдир. Баъзи болаларда шунақа генетик кўсур бўлади. Яъни уйдан бирон нарсга олиб чиқдим, қайтариб олиб келмайди, ҳадеб йўқотади. ҳатто уйнайдиган куракчасидан, портфелигидан. Қараб-сизки, бир пасда тушқун кайфиятга тушиб, ўзини оқлашга баҳона излайди. Гоҳида ўз уйида ҳам бирон нарсасини йўқотади.

4. чапақайлар, агар буюм арзигулик бўлса уларни излашга кетади. Топилмаса фарзандига ноилож бошқасини олиб беради. Аммо бу гал совга сифатида ва совгага бошқача муносабатда бўлишлигини талаб қилган ҳолда.

б/ ўнгақайлар боласини буюмни қидиришга жўнатади ёки бирга боради. Бундан кейин хушёр бўлишга ўргатади. Йўқолгани ўрнига янгисини олиб беради ва доим назорат қилади. Шунингдек, «ёшлигимда бунақа уйинчоқлар ҳақида тасаввур ҳам қилмасдим, сен бўлса...» деган гапни бот-бот такрорлайди. Бошқа болаларнинг эҳтиёткор эканлигини айтиб, улардан ўрнак олишга қақиради.

4. Искрит. Бундай болалар доим ариқ-зовурларга тушиб, кўлмак, балчиқларга

булғаниб юради. Яъни сув билан ҳам, тупроқ билан ҳам ўртоқ тутинида. Мабодо расм чизгудек бўлса, ҳаммаёғини бүёқ қилади. Хуллас овқатланса ҳам, мураббо есам, бир иш қилсам, доим ҳамма нарсани ва ҳамма ёғини булғаб ташлайди.

а/ чапақай ота-она ювиниш — озодалиқнинг гарови эканлигини тушунтиради. Кийимларни ювиниш ўргатади. Агар бола кўнмаса, қўйлакни кирлигича ташлаб қўяди ва янги кийимлар олиб беради.

б/ ўнгақайлар боласига давтавал қаерда ва қандай сайр қилишни, уст-бошини озода туттишни ўргатади. Шунда ҳам ҳаммаёғи булғаниб келса, газаби қайнаб, кийимларини ечади ва қарғаб-қарғаб уларни ювади.

5. Агар бола ўта ҳайларастан бўлиб, ақли жойида бўлмаса, фақат ўзи ўйлаган, орзу қилган оламида яшаса, кўпчиликка қўшилмаса, ҳамма нарсга ишонувчан бўлиб, бирон воқеага акс таъсир секинлик билан кечса, бундай болалар космик болалар дейилади.

а/ чапақай ота-оналар ҳеч икки-

ланмасдан боласининг фартазиясига қўшилмай. Боласининг гаройиб ҳикоясини, саргузаштларини қизқиб тинглайди. Барча истакларини ўйин шаклида амалга оширса, бунга ҳам қўйилади. Борингки, стол — полигон, ванна — денгиз, ҳовли — афсонавий давлат бўлсада, болага ҳалақит бермайди.

б/ўнгақайлар болага заруриятга қараб муомала қилиб, илжои борица чалғитади. Боласининг ўзини бундай туттишини «галатироқ» деб қабул қилиб, боладан бунақа ҳайларастан бўлмасликини, борлиқни реал тушунишни талаб этади.

А. САҒАРОВ тайёрлади



Абдурашул ПАРДАЕВ сурати

Қизақ, психологларнинг таъкидлашларича, ота-оналарни ҳам рамзий маънода иккига — чапақай ва ўнгақайга ажратиш мумкин экан. Ана шундай ота-оналарнинг беш хил хусусиятдаги болаларга муносабати қандай бўлиши ҳақида ажабтовур бир тадқиқот ўтказилган. Қўрайликки, хорижлик мутахассислар тадқиқотларининг маҳсули бўлиниш ота-оналарга ҳам тўғри келармикан...

1. Агар бола сал нарсга қувонса ва сал нарсгага тушқунликка берилса, ҳадеб бўлар-бўлмас саволлар берса, таниш-нонатиш ўткинчиларни бармоғи билан кўрсатса, йўлда кетётганда машиналарга анграйиб қараса ва хиралик қилса, ҳар хил қилиқлар билан бошни қотирса — бу зардаси тез, қизқичқон бола бўлади.

а/ бундай болага чапақай ота-она хотиржамлик билан муомала қилади. Агар боласи мактаб ёки боғчада уруш-жанжал қилса, боласининг ёнини олади. Қолаверса, бу боланинг тарбиясидагида эмас, шўхлигидан, ҳаракатчанлигидан дарак беради, дейди.

б/ ўнгақайлар боласининг хатти-ҳаракати учун йўловчилардан уялади, боласини қойиб, тарбияга солади. Доим атрофдагилардан боласининг қилимиши учун уэр сурайди. Қизқичқон бола билан кўчага чиқиш у учун машаққат. Боласини имкон борица одобли тенгқўрлари даврасига олиб бориб, улардан ўрнак олиш кераклигини маслаҳат беради. Агар уруш-жанжал қиладиган бўлса, қаттиқ жазолашини таъкидлайди.

2. Инжиқ бола. Туфли богичининг ёчили кетиши учун ҳам кимдир ёмон, дўстлари ҳам доим ноҳақ, кийим торлиқ қилади, устига чой тўкилиб кетаверади.

а/ чапақай ота-оналар боласининг кўнглига тегиб кетмаслик учун мумкин қадар муқобил бир йўл топади. Яъни, бо-

АФТ-АНГОР ВА ФЕЪЛ-АТВОР

Сочлар. Қора сочи кишилар мустаҳкам характер, куч-гайрат ва юксак эҳтирос эгаларидир.

Тимқора сочлар меҳнаткаш, йўл-йўриқни биладиган мумин кишиларда учрайди. Сарик сочи кишилар эса кўпичга айёр бўлишди, улар қушхаллик ҳаётга, хотин ва бола-чақасига жуда боғлиқ одамлардир. Соч толаси қаттиқ одамлар кўпол ва қайсар бўлишди. Қуюқ майин сочи кишилар очик қалб ва жисмонан бақувват кишилар ҳисобланишди.

Қошлар. Қалин, қора ва қаттиқ қош — қайсарлик, сержаҳдлик ва ёвбойи ғирсодан дарак беради, бу қошли одамлар бир қарорга келишда қийналишди. Қора, ингичка ва майин қошлар — нозик табиатли, ҳайвонларни, табиатни, шериятни жуда ҳам севадиган кишиларга хосдир. Сийрак устан қош эгалари рашқчи, кек сақловчи кишилардир. Усиб кетган қуюқ қош эгалари эҳтиросда чегара билмайди. Қош паст жойлашганлар эса сермулоҳаза, ҳисоб-китобли ва босиқ бўлишди.

Кириклар. Қуюқ, узун, найзасимон кириклар — ҳаёспарастлик, нозиктабиатли раъмдир. Киригингиз шундай бўлса, унда Сиз юксак насл-насаб эгаси ҳисобланасиз.

Қулоқлар. Мусиқий қобилият эгаларининг қулоқлари катта ва ингичка бўлади. Кичкина ва ингичка қулоқ насл-насаби юксак, аниқлиги, нозик дидли, тартиб ва озодаликни севувчи кишиларга хосдир. Узун ва ингичка қулоқли одамлар жуда ҳам истеъдодли кишилардир. Жуда ҳам гулор қулоқлар қайсарликдан далолат беради.

Бурун. Узунлиги ва қалинлиги мос, тур-ри бурунли одамлар ҳушёр, меҳнаткаш кишилардир. Қиррали узун бурунлар ҳис-сиз лаззатларга ўтчик белгисидир. Тўғри кенг ёйли бурун эгалари очик кўнгли, нозик дидли кишилардир.

Қушлар. Қушлар — қалб кўзгуси. Инсон феъл — аъторини билишда қушларнинг ранги, шакли муҳим урин тутайди. Инсоннинг руҳий ҳолати кўз қарашиди, қуш рангида яққол ифодаланади. Қайфият ҳар қуни ўзгаршиш мумкин, нингоҳ ҳам унга мос равишда ўзгаради.

Уй-тафаккурли, соғлом ақлга эга бўлган кишиларнинг қузи очик, доирасимон ва уртача катталиқда бўлади. Қузи шоқо-сасидан чиққан одамлар ҳаётда ҳам уч-райди, бундай қузли одамлар ҳаёспараст, шаҳватпараст ва ёлғончи бўладилар. Кесми узун бўлган қушлар ўткир ақлдан далолат беради. Қузи у қадар қисқис бўлмаган одамлар қўпичча шафқатсиз ва ҳасадли бўладилар. Ерга боқувчи қушлар ўтчилик ва меҳнатсеварлик белгиси. Юқорига қурилган қушлар ҳаёспараст, қўпчилик ҳаётда барча нарсаларга қизиқувчи, бироқ

жисмоний меҳнатда у қадар суяги қотмаган кишиларникидир. Кичкина, қоп-қора, маъноли боқувчи қушлар — нотилиқ ва қизиқувчанлик белгисидир. Мовий қушлар юм-шоқ қалб, муросали, ҳушор қилишда меъ-рини билалдиган кишиларда учрайди. Пор-лаб турувчи қоракўз эгалари эса куч-қувват-ли, иродали ва меҳнатсевар кишилардир. Қўй қушлар ҳалол, қаноатли кишилардир. Совуққон, ўта босиқ кишиларнинг қузи очик-қуқ рангида бўлади. Қузнинг оқи қи-зил чизиклар билан қопланиб, сарғиш ра-нида бўлса, унда бу қуз эгаси тартибсиз ҳаёт кечиради. Қушлари ўта катта қиши галати феъл-атвор эгасидир. Жуда ҳам емон, шаф-қатсиз кишиларнинг қузи қонгалаш бўла-ди.

Юз. Кип-қизил, гушторд еноқдилар ажайиб соғлиқ эгаларидир, уларга қўпчи-лик, тўғма қўвнуқлик аломатлари ҳам бе-ғона эмас. Қуруқ, сарғиш юзли одамларга ин-жиклик, ҳасислик ва ҳасадлулик хислатла-ри хосдир. Уртача тўзлишдаги, қўлғичи юз эгалари эса эҳтиросли, узағувчан ва еқимли таассурот ўйготадиган кишилардир.

Юзи уртача тўзлиқда бўлганлар қаноат-ли, ҳақиқатқўй ва ақили бўлишди. Ориқ юзли кишилар ақлий ва жисмоний меҳнат-ни қойилмақом қилиб уйдаяди олишди.

Ияк. Чаққон, ўта ҳожаббарор кишилар-нинг ияги ўчили бўлади. Тўрт бурчак ияк-лилар бир қарорга келишда қийналайдиган, бир сузалишди. Олдинги туртиб чиқиб, учи юқорига қурилган ияклар эса мақсадга эришил-лиш йўлида ҳеч нимадан тўймайдиган, дуч келган нарсаларни фойда излайдиган ки-шиларнинг феъл-атворини белгилайди. Ия-гида чуқурчиси бор кишилар узиға бини қўйган, феъл-атвори ҳар вақт ўзгариб ту-радиган шахслардир.

Тишлар. Топ-тоза, кичик, бир текис жойлашган тиш эгаси соғлом, юксак тин-соний ҳусусиятларга бой кишидир. Кичкина, тоза бўлмаган, мурт тишлар жисмоний қў-ватсизликдан далолат беради. Олдинги туртиб чиқиб, лабини тўсиб турган тиш эгаси ми-жгов, қўпол ва эзма бўлади.

Буй-баст. Баланд буйли кишилар мус-таҳкам иродали, куч-гайратли ҳисобланиш-ди. Паст буйли кишилар эса уларга қара-ганда ақли, раҳмиди, эзгуликка интилу-вчан бўлишди. Баланд буйлилар олатда эри-либ бўлмайдиган мақсадлар билан яша-шди. Қориндор кишилар кучлилардир.

Қоринсиз кишилар эса ақинча, ўятган, босиқ, бироқ жаждор бўлишди. Қўқраги-ни кериб юрадиган одамлар — иккиозла-мачи, қўпол ва қўқмаслирлар, қўқрагини ичкарига тортиб юрадиган кишилар эса қў-қоқ бўлишди.

«Предсказания судьбы» китобидан
Бахтиёр ТУРСУНОВ
таржимаси

Бўш вақтингизда

МУАММОНОМА

Азиз муштарий! Аввал қуйида таърифланган сузаларни топиб очкич-ни ҳал этинг.

1. Инсоний фазилат, камсуқумлик — 14, 6, 10, 1, 6, 9, 13, 2, 4.

2. Қизгин суҳбат, гап — 4, 8, 9, 8, 3, 4.

3. Инсоннинг бирор нарсадан мам-нун бўлиб фахрланиш ҳисси — 18, 8, 9, 8, 9.

4. Аждодлардан авлодларга қолган моддий ва маънавий бойлик — 10, 12, 9, 5, 11.

5. Ғафур Ғуломни-нғ фалсафий шеъри — 19, 6, 7, 1.

6. Бош ғоя ёки сийсий талаб ифо-даланган қаҳирик — 22, 2, 5, 9.

7. Бирор қабила, уруғга мансуб халқ — 23, 13, 6, 1.

8. Насиҳат, ўғит — 20, 6, 3, 15.

9. Бирор соҳада эришилган мува-ффақият — 21, 1, 8, 7.


10. Аёлларга хос тортиниш, шарм, ҳаё — 2, 16, 5.

11. Мақол: Эл бор ерда 11, 17, 24 бор.

Энди жавоб суза-ри асосида шаклдаги рақамларни тааллуқ-

ли ҳарфлар билан алмангитриб муам-мономани ҳал этинг. Бунда XI асрда яшаб, ижод этган доғишманд адиб, туркий халқлар маданиятининг подир асари «Қутадғу билиг» — «Саодатга элтувчи билим» муаллифи Юсуф-Хос Ҳожибнинг турт мисра ҳикмати су-зарини билиб оласиз.

Фозилжон Орипов



МУШУК ВА МАЙМУНЧАЛАР

Бир куни кўчада кетаётган мушук йўлида дуч келганини лақиллатиб бор-раркан, унга бир йўла иккита маймун-ча учраб қолибди.

Маймунчалар шу маҳал катта дара-хнинг шохиди осилиб турган ари ини-ни қуриб қолишибди. Улар:

— Ҳой, мушук, дарахт шохиди осили-б турган нима узи? — деб мушук-дан сурашибди.

Мушук уларга:

— Э-э, бу менинг бувамдан қолган занг, — дебди.

— У қаттиқ жаранглайдими? — деб сурабди маймунчалар.

— Булмасам-чи, — дебди мушук. — Бориб зантни урсанг борми, овозини бутун мамлакат эшитилади.

— Чалиб курсак майлими?

— Йўқ, бўлмайди, бувамнинг жаҳ-ли-чиқиди, — жавоб берибди мушук.

— Буванг ўзи бу ерда йўқ-ку, — деб мушукни аврашибди маймунчалар.

— Тўғри, бувам йўқ. Аммо у менга зантни қўриқлашни, унга ҳеч қим қўл теккисмаслигини топширган.

— Бир мартагина уришга рухсат бер. Қандай жаранглашини эшитгимиз кел-ляпти.

— Йўқ, мумкин эмас, бутун мамла-кат саросимага тушиб қолади!

Сира қўймадингиз-қўймадингиз-да, нима ҳам дердим, майли, чала қолинг-лар, — охири розилик берибди мушук.

— Лекин бир шартим бор, бобом мен-дан ранжимасликларни учун аввал мен бу ердан гойиб буламан. Борди-ю, ме-нинг шу ерда бўлиб туриб, сизларни зангга яқинлаштиргаймики қилиб қол-са борми, шўрим қўрийдим.

— Яхши, тезроқ қочиб қол, булма-са, биз чалиб юборамиз, — деб хурса-ди бўлишибди маймунлар дик-дик сак-раганча.

— Ҳой тухтанглар, мен узоқлашма-гунча зангга тегмай туринлар, қуздан гойиб бўлганимдан сўнг уринлар, — деб қичқирибди юғуриб кетаётган му-шук.

— Тезроқ! — деб қичқаришибди са-брсизланиб маймунчалар.

Мушук қуздан гойиб бўлиши била-ноқ маймунчалар таёқ топиб келишиб-

ди-да, дарахт шохиди осилиб турган ари инини ура кетишибди.

Ростданам зарбадан арилар зангга ухшаб зувиллаб кетишибди. Гиж-гиж ари тўла ин ерга қулаб тушибди. Маймунчалар ҳайратдан оғиз очиб қо-тиб қолишибди. Шу маҳал бир тўда ари осмонга қўтарилибди-ю...

Бу нима? Қаттиқ ғазабланган ари-лар маймунчаларнинг тўғри келган жойларини чақибди. Ўзларини йўқ-тиб қўйган маймунчалар дуч келган еққа тумтарақай қоча бошлашибди, арилар уларни қувлаб кетибди.

Шунда маймунчалар ҳавзани қуриб қолишиб, чопа бориб ўзларини унга тапшляшибди. Улар арилар қайтиб учиб кетмагунча сув тагида узоқ ўтиришля-рига тўғри келибди. Ариларнинг гўв-гуви туташли билан маймунчалар сув тагидан шунгиб чиқишибди. Бундоқ қарасалар қирғоқда уларни лақилла-тиб кетган ҳалиги мушук ўтирганмиш.

Мушук эса маймунчаларнинг сувдан чиқиб келишларини атайдан қутиб ўтирган экан. У маймунларни қури-ши биланоқ уша жойда етилиб тур-ган аччиқ қалампир ниҳолига енбош-лаб олибди.

Маймунлар мушукнинг олдиға кел-ди:

— Ҳой мушук, бу ерда нима қилиб ўтирибсан? — деб сурашибди.

— Бобомнинг боғини қуриқлаб ўти-рибман. Мевалар айни пишган маҳал эмасми.

— Нима? Мева? Татиб курсак бў-ладими?

— Бўлади, фақат менинг олдимда эмас. Бобом сизга рухсат берганимни билиб қолса борми, мендан жаҳли чи-қади.

Маймунлар мушукнинг қуздан гойиб бўлишини қутиб туришибди, кейин бир талай аччиқ гармдоридан териб, оғизларини тўлдириб чайнай бошлашибди...

Бирдан ҳаммаларининг оғизлари-дан аланга чаққандай бўлибди! Маймунчаларнинг қузларидан еш оти-либ, аччиқ гармдоридан лаблари ши-пиб кетибди! Мушук бўлса лақмалар-ни лақиллатганидан хурсанд бўлиб, жуфтакни ростлаб қолибди.

Соғлом ва гўзал бўлай дасангиз

22. ҲАЛАСАН

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Ғилам ёки одёлда қўлларингиз-ни ёнларингизга қўйган ҳолда ор-қангиз билан тўғри ётинг. Кафт-ларингиз пастга қараган бўлиши керак. Чўкур нафас олинг ва ка-фтларингизни полга қаттиқ таян-тирган ҳолда Уттанпадасандаги сингари оёқларингизни юқорига қўтаринг. Уларни вертикал ҳолат-да тутинг, нафас чиқара бошла-нг ва кафтларингиз асосида бе-лингизни ҳам юқорига қўтаринг.

Оёқларингизни бошингиз орқали шундай орқага ўт-казингки, товонларингиз полга тегиб турсин. Қўлла-рингиз бутунлай полда ту-риши керак. Оёқларингиз жуфт туриши лозим ва улар ҳеч қандай эгилмас-дан текис узатилиши дар-кор. Бу ушбу асанни му-камаллаштиради. Шу ҳо-латда меъёрида нафас олинг. Сиз бу ҳолатда ку-чингиз етгунча туринг. Нафас олаётиб аста-се-кинлик билан оёқларингиз-

ни орқага, вертикал ҳолатга қайтаринг. Нафас чиқараётиб эса оёқларни полга туширинг. Орқангиз билан ётиб бир оз дам олинг.

Фойдалари: Ҳаласан диабет ва ҳерния касаллигини даво-лашда жуда катта ёрдам бера-ди. Бу жигар, талоқ ва ошқо-зоннинг кўпгина аъзоларидаги безовталикларни ҳам даф қи-лади. Орқани букилувчан қилиб, семизлиكنи йўқотади.



ФЕРДИНАНД МОНОЛОГИ

Машхур актёр Шукур БУРХОНОВНИНГ 85 йиллигига

Инжиқободнинг иккинчи бир номи Чимкент тракти деб аталади. Чимкент тракти яна бошқа ном билан машхур эди. Узи Тошкентнинг гузал мевазор боғлари билан уралган баҳаво шинам ерига жойлашган бўлса ҳам бу ерда уғри бор, деб билардилар. Агар сиз Чимкент трактида турарсан, деб айтиб қолсангиз, бир чучиб тушиб узингиз уғрилдан омонмисиз деб сурардилар...

30-40 йилларда Хамза театрида тез-тез янги спектакллар қўйилиб турарди. Душанба кунларидан ташқари ҳар кун томоша курсатиларди, бир ойда 20-25 та спектакл қўйиларди. Шукур акам деярли ҳамма спектаклларда банд эди. Бу демак, ҳар кун янги бир образга, янги бир қисфага кирарди. Мен уйларда; қандай қилиб у ҳар кун янги образга кирарди?

— Ока, шунча ролларнинг сўзини қанақа миянгизда сақлаб юрасиз?

— Керак бўлгандан кейин сақлайсанда, — деб енига чақирди. — Кел, мана бу новдани боғла!

Мен қўлимдаги чипта билан ёнларига бордим.

— Бир ўқишда едимда қолаверадим, артистнинг мияси шунча антиқа бўлади, — дедилар.

Мен уша вақтда ҳали ёш эдим. Урта Осиё дорифунунида ўқир эдим.

— Биз дарсни 10 марта қайтариб ўқисак ҳам едда қолмайдик, — дедим.

— Маъносига тушунмай ўқийсанда, — деб қўйдилар.

— Ролни қандай пайтда едлайсиз? Ахир эрталаб ишга кетасиз, то пешингача репетицияда бўласиз, кечкурун яна спектаклда роль ўйнайсиз. Ҳеч буш вақтингиз йўқ-ку, — дедим.

Акам чалкашиб кетган тоқ новдаларини бир-биридан ажратиб бағазга етказди.

— Мана бунни ушлаб тур, куп маҳмадона бўлма, — деб қўйди. — Ҳозир мана буларни боғлаб олай, кейин айтиб бераман.

Ишқом ичи тоқ пушталаригача палахса-палахса қилиб топилгани учун юриш қийин, оёқдаги этик шудорга ботиб кетар эди.

— Қани энди бирпас дам оламиз ука! — дедиди ишқомнинг салқинроқ жойига бориб ўтириш, пешонасидаги румолчини ечиб юзидан терларни артди:

— Кун ҳам тоза эндирайтти, чойгумни олиб кел!

Мен пуштада қалин телпакка ухшаш бир нарсатга ураб қўйилган катта чойнак ва ёнидаги иккита пиелани олиб келиб, шудорнинг текис ерига қўйдим. Акам иккала пиелаларга тўлдириб чой қўйди.

Мен ҳали ҳам боғия-саволнинг жавобини кутардим.

— Айтмадингизку, — деб яна қистадим.

— Нимани, ҳа, ролни қачон едлашганим, — деб қўлди. — Эрталаб тонгда тиниқиб ухлагандан сўнг мия яхши дам олади. Мен қаллан сахарлаб ҳамма ширин уйкуда ётганида боққа кириб кетаман, нимаки ўқисам шундоққина эсимда қолади. Биласанми, яна қайси пайтларда едлайман, кечаси, ярим кечда. Театрдан пиеда келаётганимда, кучада ҳеч ким йўқ бўлади, жим-жит, овозимни баралла қўйиб, ролни такрорлаб келаверман, — бир оз сукунатга чўмдида, бирдан тапира кетди.

— Биласанми, тагин қайси вақтларда? Қўрқанди.

— Қўрқанингизда? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Гулбоғнинг охирида мактаб борку, 51-Белинский номидаги мактаб, тунда

трамвайдан тушиб ана шу мактаб кучасига бурилиман, гулбоғ деворлари ёқалаб юра бошлайман, ҳар гал кимдир гулбоғ ичидан чиқиб, девордан сакраб, лоп этиб, олдидан тўсиб чиқса нима қиламан, деган қўрқинчи халғат бораман. Мактаб ёнида 3-4 та катта-катта бақатераклар бор, қургансан-ку, шу тераклар орасида ўғриллар писиб турган бўлса нима қиламан, деган уйда бўламан. Ана шундай пайтларда ҳалиги қўрқунни миямдан ҳайдаш учун аввал қалима қайтариб, сўнг ролдаги сўзларни такрорлайверман. Бир кун қизиқ ҳолиса руй берди:

Шилернинг «Макр ва муҳаббат» фожиясини тайерлаётган эдик. Спектаклдан жуда кеч қайтдим. Тун ярмидан олган эди. Ҳалиги бақатераклар олдида яқинлашар эканман қандайдир шарпалар келди. Орқага қайттиш номардлик бўлади. Қаёққа қайтаман. Таваккал, худонинг ўзи асрагин дедим-у. Фердинанднинг сўнги сахнадаги, севган қизи Луизага заҳар беришдан олдин ўқилаётган монологини баянд овоз билан ўқиб, далай қадам ташлаб, боравердим: — Ягона бир фарзанд, сен бунни ҳис эта-



санми, бошкесар! — қичқириб юбордим, ҳаммаёқ дарзага келгандек бўлди. — Сен шунни ҳам ўлдирмоқчи бўласанми! — яна бақирдим, бугенда нима деб вадидарганим эсимда йўқ. Бирдан: Йўқ! Унга заҳар солмасдан бурун, бу илоннинг бошини янгиб ташлашим керак! — деб хитоб қилдим, қўлимни осмонга кўтариб жаҳл билан ситлаб ташладим. Жим-жит, бундай қарасам, тераклар олдида ўтиб, уйимиз яқинидаги муқолишта келиб қолибман. Орқага қарасам, узоқда иккита қора шарпа девдек бўлиб турибди. Иккала оғимни қўлимга олиб, бир югуриш қилдим, азбаройи қўрқанимдан қандай қилиб, эшитгимиз тагига келиб қолганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Ана шундай қилиб, аввали худонинг ўзи асрадику, қолаверса ҳалиги «Макр ва муҳаббат»даги Фердинанд монолоғи.

Ҳикоя шу жойга келганди мен узимни тутулмай қаҳ-қаҳ уриб қўлдим.

— Фердинанд хизрининг ўзи қўлабдида! — деб ҳазил қилдим.

— Энди бугенин эшит, — гапида давом этиди акам. — Бир неча кунлар утандан сўнг «Макр ва муҳаббат»нинг премьераси бўлди. Қарасак устига қарасак, сахнани гул бо-сип кетди, спектаклдан чиқиб, кучанинг бу бетидаги ошхонада мен, Обид Жалилов, у кишини Фердинанднинг отасини уйнар эдилар, «қиттак-қиттак» қилдик-да уйга жўнадик. Узимда йўқ хурсанд бўлганимданми, яна уша бақатераклар енига келиб қолганимни сезмай қолибман. Бундай қарасам иккита девангидай йигит рўпарамдан чиқиб турибди. Урушмоқчи бўлиб, муштумимни тутдим. Бироқ улар қўлида ой нурида

ялт-ялт ениб турган ханжарга қўзим тушди, узимни тийдим, орқага қочмоқчи бўлудим орқа томонимдан катта бир қўл елкамга тушди:

— Силжима жойингдан! — дўқ қилди биттаси.

— Кийимингни еч! — деб ханжарни томоним тагига қалади иккинчиси.

Дарров ечиб бердим.

— Жуна бу ердан! Қўзимизга қўринма! — деб ҳайдади яна бири. Индамасдан жўнавордим.

Мен ҳанту-манг бўлиб қотиб қолдим:

— Ишқилиб узингизга шикаст етказмабди-ку! — деб қўйдим.

— Энди бугенин эшит, — давом этиди акам, — уйга келиб эшпикни қўқдим. Узим майкадаман. Биронинг секин-секин юриб келаётган оёқ товушини эшитдим. Бу ойим эди. У кишини ухлаб етганларни уйғотиб юбормай деб, оёқ учиди юриб келдиладан эшпик орасидан майин товуш билан:

— Болам, келгунингча мижжа қоққаным йўқ, биров бир нарса қилиб қўйдим деб.

— Ойи, энди соат бир бўлди-ку, — дедим.

— Улар, бир қўлибдими, 12 бўлгандир, — деб уришдилар.

Ойим раҳматли шундай содда аёл эдиларки, ҳатто соатни ҳам билмасдилар...

Эрталаб бошқа кийим-бошини кийиб ишга жўнадим. Чунтақда бир мири ҳам йўқ. Отам ҳар кунни эрталаб бир сават узум узиб, чойхонага чиқардилар. У ерда ошона-оғайнилари билан бирга иссиқ нон билан чой ичардилар. У кишидан пул сўрагани чойхонага кирдим.

— Кел, кел, ўғлим, утир, — дедилар, сўнг Мажид қори акага мурожаат қилиб:

— Қори Шуқруллоҳнинг ҳақи-га бир дуо қилиб юборинг!

Мажид қори ака Қўрғонни шундай қироат билан ўқир эдики, эшитганлар сел бўлиб кетарди. Ҳамма қўл очиб, менга яхши ниятлар тилашди.

Отам жуда зийрак одам эди. Одамлар олдида пул берсам уялади, деган андишага боришлар, шекилли, эшпик олдида келиб, қўлимга ун сўм бердилар. Ун сўм у пайтларда катта пул эди. У кишини улфатлари енига бериб, утиришлари билан бир йигит олдиларига салом бериб келарди:

— Ассалому алайкум, Бурхонхўжа ака!

— Волайкум ассалом, ўғлим, кел-кел!

— Ҳалиги енингизга келиб кетган йигит ким бўлади сизга, — деб сўрайди.

— Ўғлим бўлади, болам, — деб жавоб қилади отамиз. Ҳалиги йигит турган жойида ҳайрон бўлиб қотиб қолади. Орадан бирор соат утар-утмас қийиққа уралган бир тутунни отамиз олдида олиб келиб қўйиб:

— Бурхонхўжа ака, биздан утибди, бир қошиқ қонимиздан кечасиз. Билмай беодоблик қилибмиз, — деб кўздан гойиб бўлибди. Мен чойхонага кириб, отамиз олдида келганимда у йигит бошқа супада утирган экан. Мени кузатиб турган экан. Биласанми, бу ким экан? Мени туғди тунаган уша утирилардан бири экан. Отам тутунни очиб қарасалар, уша утирлар тунаб олган менинг жужунча шимим билан кителми. Отамнинг юракларига гулгула тушиб лоп этиб қарасалар, халиги йигит алақачон гойиб бўлганди. У киши бир хурсиниб, узларига таскин бериб, қўлларини фотиҳага очибдилар:

— Хулога минг қатла шукур! Узининг жони омон қўлибди.

Убай БУРХОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Сўнгги устун

«БОТИРТОЙ»НИ ХИТОЙДАН ТОПИШДИ

Хитойнинг Ляонин вилояти ҳудудидан оқиб утувчи Санча дарёси қирғоқларида қазиб ишлари олиб борилганда Россияга тегишли бўлган «Смелий» кемасининг қолдиқлари топилди. Ёғочдан ясалиб, узунлиги 22 метр, эни 4 метр бўлган бу кема 1904—1905 йиллардаги рус-япон урушида қатнашган. Хитой тарихчиларининг тахминича, ҳалокатга учраган «Смелий» Ляохэ дарёси орқали шу ерга келиб қолган бўлса керак.

ИСМИ ЖИСМИГА МОС ЭМАС

Олмониянинг Юлиха шаҳрида яшовчи 24 ёшли талаба йигит Хелмут Ризе ўзини дунёдаги энг бахтсиз одам деб ҳисоблайди. Сабаби, «ризе» сўзи олмон тилида «девдай», «девокат» деган маъноларни англатади. Хелмутнинг эса исми жисмига мос эмас, унинг буйи бор-йўғи 156 сантиметр.

ТЎРТ ОЁКЛИ ЖИНОЯТЧИ

Англиянинг Кент графлигидаги Бекслехит шаҳрида Люси лақабли кучук беш кун қамоқда ётди. Мамлакатда 1991 йили хавфли ҳайвонлар тўғрисида қонун қабул қилинган бўлиб, Люси бир мушукни тилка-пора қилиб ташлагани учун қамалган экан.

ВЕЛОСИПЕД — СОЛИҚДАН ОЗОД

Голландия аҳолисининг учдан бир қисми шахсий велосипедига эга. Энди уларга яна бир имтиёз яратилди. Мамлакат молия вазирлигининг қарорига биноан фуқаролардан даромад солиғи олинаётганда, уларнинг велосипед, эҳтиёт қисмлар ва велосипед ҳайдаганда қийиқладиган қийимлар харид қилишга сарфланган пуллари солиққа тортилмайдиган бўлди.

ЧИЛЛАДАГИ ЭР

Хитойнинг жанубидаги Юннан вилоятида истиқомат қилувчи айрим қабилаларда ғалати одат бор экан. Аёл қўзи ёриғач, дарҳол рўзгор юмушлар билан банд бўлар, эр эса оҳ-воҳ қилиб қирқ кун чилла сақлар экан.

СУВХЎР ВА ЧОПАҒОН

Тякуш уюлмасида, югуришда жуда қўп ҳайвонларни доғда қолдиради. У соатига 60-70 километр тезлик билан чопа олади. Тякушнинг яна бир хислати — у кўп сув ичади. Кунига 10-12 литр сув истеъмол қилади.

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

Африкадаги Виктория шаршарасининг 122 метр баяндикдан отилиб тушаётган сувининг товуши 20-25 километр масофадан ҳам эшитилиб туради. Шитоб билан тушаётган сувнинг зарралари эса 60-90 метр баяндикка сачрайди.

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Баҳриддин АБДУ САИД
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма G-0409. 23566 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табақ.